

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ****370 Божхона юк декларациясининг электрон нусхасини жорий этиш тўғрисидаги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил
2 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1055-1*

(2011 йил 1 ноябрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Давлат божхона хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 6-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1997 й., 9-сон, 230-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги «2011 — 2015 йилларда Ўзбекистон иқтисодиётидаги ислохотлар кўламини чуқурлаштириш ва кенгайтириш, мамлакатда ишчанлик муҳитини шакллантириш мезонлари ва баҳолаш тизимларини белгилаш ҳамда амалга ошириш Дастури тўғрисида»ги ПҚ-1464-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2001 йил 23 июндаги 02/20-16-сон «Божхона юк декларациясининг электрон нусхасини жорий этиш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 1055, 2001 йил 25 июль) (Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъерий ҳужжатлари ахборотномаси, 2001 й., 14-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор 2011 йил 1 ноябрдан кучга киради.

Раис

З. ДУСАНОВ

Тошкент ш.,
2011 йил 16 август,
01-02/15-15-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.